

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**ОЧИЛОВ ФАРХОДЖОН ШАВКАТЖОН ЎҒЛИ**

**МАЖБУРИЯТЛАР ҲИСОБИ ВА АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.08–Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит**

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2022 йил**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавления автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
economical sciences**

**Очилов Фарходжон Шавкатжон ўғли**

Мажбуриятлар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш..... 3

**Очилов Фарходжон Шавкатжон угли**

Совершенствование учёта и аудита обязательств ..... 27

**Ochilov Farkhodjon Shavkatjon ugli**

Improving accounting and audit of liabilities..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 55

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**ОЧИЛОВ ФАРХОДЖОН ШАВКАТЖОН ЎҒЛИ**

**МАЖБУРИЯТЛАР ҲИСОБИ ВА АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.08–Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2022 йил**

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PHD/Iqt1377 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.tfi.uz) ва «Ziyonet» таълим ахборот тармоғида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Қўзиев Исломжон Неъматович  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор



**Расмий оппонентлар:** Аҳмеджанов Каримжон Бақиджанович  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор  
Ибрагимов Абдуғапур Каримович  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор


**Етакчи ташкилот:** Тошкент давлат аграр университети


Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.I.17.01 рақамли Илмий кенгашининг 2022 йил «14» 01 соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60А-уй. Тел.: (99871)-234-53-34, факс: (99871)-234-46-26, e-mail: ilmiykengash@tffi.uz.

Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (250 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, А.Темур шоҳ кўчаси, 60Ауй. Тел.: (998)71-234-53-34.

Диссертация автореферати 2021 йил «30» 12 куни тарқатилди.  
(2021 йил «30» 12 даги № 5 рақамли реестр баённомаси).

  
  
**Т.З.Тешабаяев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор

  
**Ф.К.Холмаматов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, (PhD), доцент

  
**Р.Д.Дусмуратов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, иқтисод фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Мавзунинг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда пандемия даврида хўжалик юритувчи субъектлар мажбуриятларининг ўсиб бораётганлиги улар фаолиятини ривожлантириш ҳамда иш самарадорлигини оширишга доир долзарб муаммоларни келтириб чиқармоқда. Давлатлараро чегараларнинг ёпилиши глобал иқтисодий фаолликнинг кескин пасайишига олиб келганлиги сабабли, турли мулкчилик шаклидаги корхоналар қарз мажбуриятларини бошқариш ҳамда бартараф этиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Мажбуриятларнинг кескин ўсиб бориши глобал иқтисодиётнинг қайта тикланиши ҳамда ривожланишига ўзининг салбий таъсирини ўтказаетганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Иқтисодий жиҳатдан ривожланаётган мамлакатларда хўжалик юритувчи субъектлар мажбуриятлари миқдори 2008 йилдан 2021 йилга қадар уларнинг ЯИМдан деярли икки баробар тез ўсиб, ЯИМнинг 56 фоизидан 96 фоизигача кўтарилган. Ривожланган мамлакатларда эса, ушбу мажбуриятлар суммаси ЯИМ билан бир хил суръатда ўсганлигини кўришимиз мумкин<sup>1</sup>. Мазкур ҳолатлар жаҳон мамлакатларида мажбуриятлар ҳисоби ва аудитини тўғри йўлга қўйиш орқали уларнинг миқдорини камайтириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Жаҳон амалиётида мажбуриятлар ҳисоби ва аудитини халқаро стандартлар асосида ташкил қилишга қаратилган кўпгина илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу тадқиқотларда мажбуриятларни тан олиш, уларни ҳисобда акс эттириш, мажбуриятлар бўйича бухгалтерия ҳисоби ахборот таъминотини такомиллаштириш, мажбуриятлар аудитини режалаштириш, мажбуриятлар аудитида далилларни тўплаш, ички назорат тизимини ўрганиш ҳамда баҳолаш масалалари ўз ечимини топган. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда мажбуриятларни таснифлаш, ҳар бир мажбурият тури бўйича ҳисобот маълумотларини шакллантириш, мажбуриятлар ҳисоби бўйича ахборотларнинг ишончлилигини ошириш, кредиторлик қарзларининг айланувчанлигини аниқлаш, мажбуриятлар аудитида ички назорат тизимини ўрганиш бўйича саволномаларни қўллаш, аудиторлик текширувида муҳимлик ва риск даражаларини аниқлаш жараёнини такомиллаштиришга эришилган. Лекин мажбуриятлар ҳисоби ва аудитини халқаро стандартлар талаблари даражасида ташкил этиш билан боғлиқ муҳим масалалар ҳозиргача ўзининг ижобий ечимини топмаган.

Ўзбекистонда молиявий ҳисоботларнинг шаффофлигини таъминлаш, мажбуриятлар ҳисоби ва аудитини халқаро стандартлар талаблари асосида шакллантириш, мажбуриятлар тўғрисидаги ахборотларнинг ишончлилигини ошириш муҳим саналади. Бу ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек «Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишда давлат компанияларини трансформация қилишни жадаллаштириш керак. Ҳозирги вақтда давлат иштирокидаги корхоналарнинг

---

<sup>1</sup> Nora Lustig and Jorge Mariscal. How Covid-19 Could be Like the Global Financial Crisis (or worse). «Economics in the time of COVID-19: A new eBook.» Vox EU. (Editors: Richard Baldwin, Beatrice Weder di Mauro). March 13, 2020

аксарияти молиявий барқарор бўлмагани учун давлатга оғир юк бўлиб қолмоқда»<sup>2</sup>. Ушбу молиявий нобарқарорликнинг асосий сабаби сифатида хўжалик юритувчи субъектларда мажбуриятларни ўз вақтида бартараф этмаслик ҳамда уларнинг ҳисобини нотўғри юритиш билан изоҳлаш мумкин. Хўжалик юритувчи субъектларнинг мажбуриятлари хусусидаги ахборотлари молиявий ҳисобот шаклларида тўғри акс этирилишини таъминлаш ҳамда мажбуриятлар аудитини халқаро стандартлар талаблари даражасида ташкил этишга оид муаммоларни тадқиқ қилиш ҳамда уларни бартараф қилишга алоҳида эътиборни қаратиш бугунги куннинг долзарб вазифалари қаторига киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2015 йил 24 апрелда ПФ-4720-сонли «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ-3946-сонли «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сонли «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207-сонли «Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур соҳага оид яна бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муҳим услубий асос бўлиб хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мажбуриятлар ҳисоби ва аудитининг назарий-методологик муаммолари борасида хорижлик иқтисодчи олимлар илмий тадқиқотлар олиб боришган. Улар жумласига Б.Нидлз, Х.Андерсон, Д.Колдуэлл, Н.С.Безруких, В.Б.Ивашкевич, Н.П.Кондраков, В.Ф.Палий, Я.В.Соколов, Т.П.Карпова, О.Е.Николаева, Т.В.Шишкова, М.Л.Пятов, А.Д.Шеремет, Е.В.Негашев кабиларни киритиш мумкин<sup>3</sup>.

Республикамиз иқтисодчи олимлари томонидан яратилаётган дарслик, монография ва ўқув қўлланмалар, шунингдек чоп этилаётган илмий мақола ва

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий мажлисга мурожаатномаси. 29.12.2020.

<sup>3</sup> Нидлз Б., Андерсон Х., Колдуэлл Д. Принципы бухгалтерского учета. / пер.с англ. А.В.Чмеля, Д.Н.Исламгулова; под. ред. проф. Я.В. Соколова. – М.: Финансы и статистика, 2002. – 495 с.; Бухгалтерский учет: учебник / Н.С.Безруких, В.Б.Ивашкевич, Н.П.Кондраков и др.; под. Ред. П.С.Безруких. М.: Бухгалтерский учет, 1996. – 576 с.; Палий В.Ф. Международные стандарты финансовой отчетности. – Москва: ИНФРА-М, 2003. – 454 с.; Соколов Я.В. Основы теории бухгалтерского учета. – М.: «Финансы и статистика», 2000. 36-б.; Карпова Т.П. Управленческий учет. – Москва: Аудит, Изд. Объед. ЮНИТИ, 1998. – 346 с.; Николаева О.Е., Шишкова Т.В. Управленческий учет. 2-е изд., испр. и дополн. – М.: Эдиториал УРСС, 2001. – 336 с.; Пятов М.Л. Управление обязательства организации. – М.: Финансы и статистика, 2004. – 256 с.; Шеремет А.Д., Негашев Е.В. Методика финансового анализа. М.: ИНФРА-М, 1999. – 250 с.

тезисларда мажбуриятлар ҳисоби ва аудитининг назарий муаммолари қисман ўрганилган. Масалан, О.Бобожонов, К.Ж.Жуманиёзов, А.В.Воҳобов, А.Т.Иброхимов, Н.Ф.Ишонқулов, А.К.Ибрагимов, А.А.Каримов, С.К.Махмудов, **Ошибка! Ошибка связи.** Б.Х.Пардаев, М.Қ.Пардаев Б.А.Хасанов, К.Б.Ўразов, А.Ж.Туйчиев, С.Н.Ташназаровларнинг асарларида мажбуриятларни ҳисобга олиш ва аудитининг назарий ва услубий жиҳатларини такомиллаштириш муаммолари ўрганилган<sup>4</sup>.

Юқорида қайд этилган иқтисодчи олимларнинг илмий асарларида айнан мажбуриятлар ҳисоби ва аудитининг назарий ва услубий муаммолари алоҳида тадқиқот объекти қилиб олинмаган, амалдаги меъёрий ҳужжатларнинг иқтисодиётни модернизациялаш шароитига мувофиқ ўзгариб боришини ҳисобга олган ҳолда мукамал ўрганилмаган.

Умуман олганда, мажбуриятлар ҳисоби ва аудитининг услубий муаммоларини долзарблиги, иқтисодий адабиётларда етарли даражада тадқиқ қилинмаганлиги бу соҳада чуқур илмий изланишлар олиб боришни тақозо этади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Тошкент молия институти илмий-тадқиқот ишлари режалари ҳамда 2020-2021 йилларга мўлжалланган АМ-ФЗ-20190813110 «Ўзбекистонда аудитнинг халқаро стандартлари асосида инновацион аудит хизматларини яратиш» мавзусидаги амалий гранти доирасида бажарилган ва унинг таркибий қисмида ўз аксини топган.

**Тадқиқотнинг мақсади** мажбуриятлар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

мажбуриятларнинг иқтисодий моҳияти, унинг ҳисоби ва аудитининг назарий асосларини тадқиқ этиш;

молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида мажбуриятларнинг такомиллашган таснифини ишлаб чиқиш;

мажбуриятлар ҳисобини юритиш ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

баҳоланадиган мажбуриятларни тан олиш ҳамда бухгалтерия ҳисобида акс эттириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқиш;

---

<sup>4</sup> Бобожонов О.Б., Жуманиёзов К.Ж. Молиявий ҳисоб. -Т.:Молия, 2002 -334 б.; Воҳобов А.В., Иброхимов А.Т., Ишонқулов Н.Ф. Молиявий ва бошқарув таҳлили. –Т.: «Шарқ» НМАК, 2005. -480 б; Ибрагимов А.К. Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби, аудити ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархини аниқлашни такомиллаштириш: Иқт.фан.док. дис. ...автореф. – Тошкент: 2002. – 42 б.; Каримов А.А. Корпоратив бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудит. Монография. – Тошкент: IQTISOD-MOLIYA, 2008. – 152 б.; Махмудов С.К. Акциядорлик жамиятларида мажбуриятлар ҳисоби ва таҳлилинди такомиллаштириш: Иқт.фан.ном. дис. ...автореф. – Тошкент: 2006. -226.; Пардаев А.Х., Пардаев Б.Х. Бошқарув ҳисоби. – Тошкент: 2008. – 252 б.; Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. – Самарқанд.: Зарафшон, 2001. – 272 б.; Хасанов Б.А., Хашимов А.А. Бошқарув ҳисоби. Дарелик. – Тошкент: IQTISOD-MOLIYA, 2005. – 308 б. Ўразов К.Б. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг концептуал масалалари. – Тошкент: Фан, 2005. – 236 б. Туйчиев А.Ж. Мажбуриятлар ҳисоби ва таҳлилининг назарий-методологик муаммолари. Монография. –Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2010. 272 б. Ташназаров С.Н. Молиявий ҳисоботнинг назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш. Монография. - Publisher SIA OmniScriptum Publishing. Globe Edit Publishing house. 2018. 280 p. ISBN-13:978-613-8-24050-1https://www.morebooks.shop/bookprice\_offer.

мажбуриятлар аудити ахборот таъминотини такомиллаштириш мақсадида текширув учун зарур бўлган ҳужжатлар таркибини аниқлаш;

мажбуриятлар аудитида далил тўплаш жараёнида таҳлилий амаллар ва ташқи тасдиқлаш амалларини қўллаш орқали хато ва қоидабузарликлар таснифини ишлаб чиқиш;

мажбуриятлар аудитида фаолият узлуксизлигига таъсир этувчи омилларни аниқлаш;

аудиторлик рискинни камайтириш мақсадида мажбуриятлар аудитида ички назорат тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** Ўзбекистон Республикасида фаолият юритувчи «Тошкент механика заводи» АЖ ва «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси таркибидаги субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** мажбуриятлар ҳисоби ҳамда аудитини такомиллаштириш жараёнида содир бўладиган иқтисодий муносабатлар мажмуидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида илмий абстракциялаш, индукция ва дедукция, таҳлил ва синтез, гуруҳлаш, монографик кузатув каби иқтисодий таҳлил ва статистик усуллардан кенг фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мослаштириш учун бухгалтерия ҳисобида 6640 – «Суд даъволари бўйича резерв», 6650 – «Амал қилиниши тўхтатилаётган шартномалар бўйича резерв», 6670 - «Объектларни фойдаланишдан чиқариш бўйича резерв» номли янги счётларни киритиш орқали баҳоланадиган мажбуриятлар ҳисобини юритиш тартиби такомиллаштирилган;

молиявий ҳисоботларда ахборотларнинг шаффофлиги ва очиклигини таъминлаш мақсадида ҳисоб сиёсатида баҳоланадиган мажбуриятларни тан олиш тартиби таклиф этилган ва кутилаётган қиймат усули орқали баҳолаш асосланган;

аудиторлик ташкилотлари томонидан ўтказиладиган текширувларда мажбуриятлар ҳолати ва ҳаракатига ҳаққоний баҳо бериш мақсадида ички назорат саволномаси такомиллаштирилган;

мажбуриятлар аудити бўйича далил тўплаш жараёнида ташқи тасдиқлаш амалларини қўллаш таклиф этилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

бухгалтерия ҳисобининг миллий ва халқаро стандартларида белгиланган қоидалар ва назарий қарашларга танқидий ёндашиб, мажбуриятларнинг такомиллашган таснифи ишлаб чиқилган;

баҳоланадиган мажбуриятлар аудитида фойдаланиладиган бухгалтерия ҳисобининг дастлабки ҳужжатлари таркибига аниқлик киритилган;

мажбуриятлар аудити натижалари бўйича холис фикрни шакллантириш мақсадида таҳлилий амалларни қўллаш орқали хато ва қоидабузарликлар таснифи ишлаб чиқилган;

мажбуриятлар аудитида ички назорат тизимини текшириш амаллари таклиф этилган;



мажбуриятлар аудитида фаолият узлуксизлигига таъсир этувчи омиллар таркиби аниқлаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** тадқиқотда қўлланилган услубий ёндашув ва усулларнинг умумтан олинганлиги ва мақсадга мувофиқлиги, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, фойдаланилган адабиётлар ва интернет маълумотлари расмийлиги, хўжалик юритувчи субъектларга оид маълумотларнинг ҳисобот манбаларидан олинганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан мажбуриятлар ҳисоби ва аудитини такомиллаштиришда фойдаланишга жорий этилганлиги билан тасдиқланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот ишининг илмий аҳамияти хўжалик юритувчи субъектларда мажбуриятлар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш борасида назарий муаммоларнинг ечимини ҳал қилишда, бухгалтерия ҳисоби ва аудит фанларининг истиқболли йўналишларини ривожлантиришда услубий асос бўлиши мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, хўжалик юритувчи субъектларда мажбуриятлар миқдорини камайтириш бўйича тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқишда, бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит бўйича мутахассисларни ўқитиш, аттестациядан ўтказиш ва малакасини ошириш тизимида, шунингдек, олий ўқув юртларида «Бухгалтерия ҳисоби», «Молиявий ҳисоб», «Молиявий ва бошқарув ҳисоби» ва «Аудит» фанларини ўқитиш жараёнида қўлланилиши мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Мажбуриятлар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Бухгалтерия ҳисобида 6640—«Суд даъволари бўйича резерв», 6650—«Амал қилиниши тўхтатилаётган шартномалар бўйича резерв», 6670—«Объектларни фойдаланишдан чиқариш бўйича резерв» ишчи счётларини киритиш орқали баҳоланадиган мажбуриятлар ҳисобини юритиш бўйича таклифи «Тошкент механика заводи» АЖ ва «Жиззахдонмахсулотлари» АЖ томонидан ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишда қўлланилган («Тошкент механика заводи» АЖнинг 2021 йил 25 августдаги ДФ-85-сонли, «Жиззахдонмахсулотлари» АЖнинг 2021 йил 10 сентябрдаги 667-сонли маълумотномалари). Натижада, акциядорлик жамиятининг ҳақиқий молиявий ҳолатини аниқлашга ҳамда харажатларни тўғри тақсимлашга хизмат қилиб, ахборотларни шаффофлигини таъминлашга олиб келган;

ҳисоб сиёсатида баҳоланадиган мажбуриятларни тан олиш ва кутилаётган қиймат усули орқали баҳолаш бўйича таклифи «Тошкент механика заводи» АЖ ва «Жиззахдонмахсулотлари» АЖ томонидан қўлланилган («Тошкент механика заводи» АЖнинг 2021 йил 25 августдаги ДФ-85-сонли, «Жиззахдонмахсулотлари» АЖнинг 2021 йил 10 сентябрдаги 667-сонли маълумотномалари). Натижада, баҳоланадиган мажбуриятлар қийматини аниқ баҳолаш имконияти яратилган;

аудиторлик ташкилотлари томонидан ўтказиладиган текширувларда мажбуриятлар ҳолати ва ҳаракатига ҳаққоний баҳо бериш мақсадида ички назорат саволномасини қўллаш бўйича таклифи Ўзбекистон Аудиторлар

Палатаси томонидан қўлланилган (Ўзбекистон Аудиторлар Палатасининг 2021 йил 13 сентябрдаги 27/А-сонли маълумотномаси). Натижада, аудиторлик текширувларида назорат рискининг камайишига ҳамда ҳаққоний аудиторлик хулосасининг шаклланишига хизмат қилган;

мажбуриятлар аудити бўйича далил тўплаш жараёнида ташқи тасдиқлаш амалларини қўллаш алгоритмидан фойдаланиш бўйича таклифи Ўзбекистон Аудиторлар Палатаси томонидан қўлланилган (Ўзбекистон Аудиторлар Палатасининг 2021 йил 13 сентябрдаги 27/А-сонли маълумотномаси). Натижада, фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келган муҳим бузиб кўрсатиш рискларига жавоб бериш учун аудиторга талаб этиладиган ўта ишончли аудиторлик далилларини олишда ёрдам берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 12 та, жумладан 4 та республика ва 8 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган ва ижобий хулосалар олинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та илмий мақола, шундан, 3 та хорижий ва 2 та республика журналларида чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация ишининг таркиби кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация матни 126 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилишнинг синовдан ўтганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Мажбуриятлар ҳисоби ва аудитининг назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида мажбуриятларнинг иқтисодий аҳамияти, уларнинг бухгалтерия ҳисобидаги назарий асослари, мажбуриятларнинг ҳуқуқий тавсифи, асосий хусусиятлари ҳамда мажбуриятлар аудитининг мақсади, вазифалари ва ахборот манбалари ёритилган.

Бугунги кунда иқтисодий ночор ҳолатга тушган корхоналарнинг деярли барчасида мажбуриятлар миқдори сезиларли даражада юқори эканлиги кўзга ташланмоқда. Иқтисодиёт тармоқларидаги корхоналарда мажбуриятлар ўз маблағларига нисбатан анча кўп бўлган ҳолатлар учраб турибди. Хусусан, «Ўздонмахсулот» акциядорлик компаниясининг 2021 йил 1 январ ҳолатига жами маблағлар миқдори 5 триллион 565 млрд. сўмни ташкил этгани ҳолда, жами мажбуриятлари 4 триллион 886 млрд. сўмга тенг бўлган, бу эса компания

мажбуриятлари жами маблағларнинг 87,8 фоизини ташкил этаётганини кўрсатмоқда<sup>5</sup>. Бу каби ҳолат хўжалик юритувчи субъектларда мажбуриятлар ҳисобини тўғри ташкил қилиш, уларнинг ҳолати ва ҳаракатини тадқиқ қилиш лозимлигини англатади.

Хўжалик юритувчи субъектларда мажбурият деганда, энг аввало, содир бўлган турли ҳодисалар ёки операциялар натижасида вужудга келадиган фуқаролик ҳуқуқий муносабатини баҳолаш ва ушбу мажбуриятни бажаришда ўзидаги иқтисодий ресурсларнинг чиқиб кетиши тушунилади.

Мажбуриятларни баҳолаш нуқтаи назаридан халқаро тажрибага асосланиб, уларни аниқ ва ноаниқ мажбуриятларга ажратиш таклифи берилди (1-расм).



**1-расм. Мажбуриятларни баҳолаш нуқтаи назаридан таснифи<sup>6</sup>**

Таъкидлаш жоизки, аниқ мажбуриятларнинг бухгалтерия ҳисобида аниқ баҳоси белгиланган бўлади. Жумладан, компанияда қарзлар деб номланувчи мажбуриятлар компаниянинг режалаштирган молиялаштириш бўйича стратегияси билан бевосита боғлиқ ҳисобланади. Компания ўзининг ички эҳтиёжидан ҳамда келажакдаги истиқболли режасидан келиб чиқиб, фаолиятини яхшилаш учун маълум бир суммадаги кредитни олади ва ушбу кредит бўйича белгиланган фоизлар суммаси ҳам аниқ белгиланган бўлади. Бунда, ушбу мажбуриятнинг бухгалтерия ҳисобидаги баҳоси аниқ бўлади.

Ноаниқ мажбуриятлар бухгалтерия ҳисобида операцион фаолият натижасида келгусида пайдо бўлиши мумкин бўлган ва мавҳум баҳоланадиган мажбуриятлардир. Яъни, келгусида хўжалик юритувчи субъектларда ҳодисалар

<sup>5</sup> «Ўздонмахсулот» акциядорлик компанияси йиллик ҳисоботи маълумотлари.

<sup>6</sup> Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

натижасида пайдо бўлиши мумкин бўлган мажбуриятни айнан ҳозирги пайтда бухгалтерия ҳисобида энг аниқ, энг ишончли баҳода баҳолаб, мажбуриятнинг пайдо бўлиш манбасига киритилади. Шу сабабли, баҳоланадиган мажбуриятларни ҳисобда операцион фаолият натижаси, деб қарасак муболаға бўлмайди.

Вужудга келиш жиҳатидан асосий фаолиятга тааллуқли бўлмаган бошқа баҳоланадиган мажбуриятлар ҳам ноаниқ мажбуриятларга киради. Яъни, бугунги ҳисобот санасида тузилган шартнома асосида маълум бир иш хизматларни бажармаслик оқибатида келиб чиқадиган мажбуриятлардир.

Ушбу масала халқаро стандартларда алоҳида баҳоланадиган мажбуриятлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар сифатида таҳлил қилинган. Бунда 37-сон БҲХС «Баҳоланадиган мажбуриятлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар» номли стандартда баҳоланадиган мажбурият бухгалтерия ҳисобида ноаниқ суммадаги ёки ноаниқ сўндириш муддати билан пайдо бўлган мажбурият эканлиги кўрсатиб ўтилган. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида активларнинг суммаси эҳтиёткорлик тамойилига асосан аниқ кўрсатилиши лозимлиги белгиланган. Масалан, биз кафолатланган маҳсулотни ёки хизматни кўрсатиш учун шартнома тузамиз ва шу асосда ушбу ҳисобот йилида тушум келиб тушди ва тушумни тан оламиз. Айнан тушумни тан олган пайтимизда хўжалик юритувчи субъектда баҳоланадиган мажбурият пайдо бўлиши белгилаб қўйилган.

37-сон БҲХСда бухгалтерия ҳисобида баҳоланадиган мажбуриятларни тўғри суммасини юритиш ёки ҳисоб-китоб қилишнинг бир нечта мақбул усуллари келтирилган. Буларга эҳтимолли усул ва математик кутилмалар усуллари мисол бўла олади. Яъни, стандартда келтирилган ушбу усуллар орқали баҳоланадиган мажбуриятнинг суммаси муайян услуб ёки бир методикага ҳамда аниқ бир асосга таянган ҳолда ҳисобланиши муҳим аҳамият касб этади. Ушбу ҳисоб-китобларни амалга ошириш компанияда товарлар ва хизматлар бўйича кафолат харажатлари суммаси ноаниқ бўлганлиги сабабли келгусида аниқроқ суммани ҳисобга олиш учун ишлатилади.

1-жадвал маълумотларига кўра «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компаниясининг узоқ муддатли мажбуриятлари 2021 йил 1 январ ҳолатида 2017 йил 1 январ ҳолатига нисбатан 2 трлн. 518 млн. сўмга, ёки 211,6 фоизга ошганлигини кўришимиз мумкин. Узоқ муддатли мажбуриятни қоплаш даврининг муддати узоқлигини инобатга олиб, ушбу акциядорлик компанияси учун мажбуриятлар шунча қадрсизланади ва унинг иқтисодий баҳоси камаяди деган хулосага келиш мумкин.

Баҳоланадиган мажбуриятларни тан олишда мажбуриятларнинг тўланишидан қочиб бўлмаслик ҳолатига эътибор қаратиш керак. Яъни, харидорлар томонидан бир қисм сотиб олинган маҳсулотларнинг сифати ва бошқа тамойилларининг талабига жавоб бермаслиги оқибатида бир қисм сотилган маҳсулотлар қайтарилиши эҳтимоли мавжудлигини эътиборга олиш лозим ва ушбу ҳолатларда уларга пул маблағларини қайтариб бериш учун хўжалик юритувчи субъектлар тўлов қобилиятига эга бўлиши лозим.

**1-жадвал**

**«Ўздонмахсулот» акциядорлик компаниясининг мажбуриятлари  
динамикаси<sup>7</sup>**

№	Кўрсаткичлар	2017 йил 1 январ ҳолатига	2018 йил 1 январ ҳолатига	2019 йил 1 январ ҳолатига	2020 йил 1 январ ҳолатига	2021 йил 1 январ ҳолатига	Ўзгариши, 2021 йилда 2017 йилга нисбатан	
							Суммада, минг сўм	Фоизда, %
1.	Узоқ муддатли мажбуриятлар, минг сўм	15015404	35035687	33214781	34711172	34772918	19757514	231,6
2.	Жорий мажбуриятлар, минг сўм	2241889041	2705799458	3118317386	4851160387	4740451743	2498562702	211,4
	шу жумладан жорий кредиторлик қарзлари	727423	715851	1128416	624241	738458	11035	101,5
3.	<b>Жами мажбуриятлар, минг сўм</b>	<b>2256904445</b>	<b>2740835145</b>	<b>3151532167</b>	<b>4885871559</b>	<b>4775224661</b>	<b>2518320216</b>	<b>211,6</b>

Ушбу масалада жаҳон амалиётининг кўрсатишича, харидорларнинг ичидан бир қисми ўз харидидан норози бўлиши ва ўз пулларини қайтариб олиши мумкин. Халқаро амалиётга кўра, ушбу ҳолатлар ўртача турли маҳсулот, иш ва хизматларнинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, миқдорга қоплаб берилиши лозим.

Айнан ушбу ҳолатнинг мавжуд эмаслиги қуйидаги ҳолларда келгусидаги харажатлар билан боғлиқ баҳоланадиган мажбурият яратилишига имкон бермайди:

- ушбу харажатларни амалга ошириш учун оддий хоҳишнинг мавжудлиги;
- келгусидаги операцион харажатларнинг кутилиши;
- активларнинг қадрсизланиши эҳтимоли.

Ишнинг «**Мажбуриятлар ҳисоби ва аудитининг амалдаги ҳолати**» деб номланган иккинчи бобида мажбуриятларнинг юзага келиши, тан олиш мезонлари, уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш, баҳоланадиган ва шартли мажбуриятларнинг бухгалтерия ҳисобида баҳоланиши ҳамда мажбуриятлар аудитини ўтказишнинг амалдаги ҳолати тўғрисида батафсил маълумотлар ёритиб берилган.

Ҳар бир хўжалик юритувчи субъектда мол етказиб берувчи ва пудратчилар олдидаги қарзлар юзага келади. Тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг ўз вақтида тўланиши хўжалик юритувчи субъектнинг ишбилармонлик обрўсини ва кредитга лаёқатлилигини, шунингдек, умумий молиявий барқарорлигини тавсифлайди. Шу сабабли, халқаро стандартда баҳоланадиган мажбуриятни тан олиш масаласи муҳим ҳисобланади.

<sup>7</sup> «Ўздонмахсулот» АК бухгалтерия баланси маълумотлари асосида тайёрланди.


Баҳоланадиган мажбуриятларни тан олиш учун улар қуйидаги уч мезонга жавоб бериши лозим:

1. Мол етказиб берувчилар ёки харидорлар билан олдин тузилган турли шартномалар натижасида юридик ёки конструктив жавобгарлик юзага келганда;

2. Жавобгарликни бажариш учун ўзида иқтисодий нафни мужассамлаштирган ресурсларни чиқиб кетишининг талаб этилиши 50 фоиздан юқори эҳтимоллик мавжуд бўлганда;

3. Жавобгарлик қиймати ишончли баҳоланганда.

Мажбуриятларни тан олиш бўйича юқоридаги шартлардан келиб чиқиб, уларнинг кетма-кетлиги қуйидаги расмда акс эттирилди (2-расм).



**2-расм. Мажбуриятларни тан олиш<sup>8</sup>**

Ушбу расмда биринчи навбатда жавобгарлик мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлашимиз керак, агар, мавжуд бўлса, кейинги шарт бажарилишини текширамиз. Сўнгра кейинги шартда ресурсларнинг чиқиб кетиш эҳтимоли 50 фоиздан юқорилигини текширамиз. Ушбу шартдан кейин жавобгарликнинг ишончли баҳоланадиганлигини билиб олишимиз зарур бўлади. Демак, ушбу шартлар тўлиқ бажарилгандан кейин баҳоланадиган

<sup>8</sup> Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланган

мажбуриятни тан олишимиз ёки шартли мажбуриятга ўтказишимиз зарур бўлади.

Мажбуриятни бажариш учун зарур бўлган иқтисодий фойда камайиши эҳтимоли кўпроқ бўлса, эҳтимолий жавобгарлик ҳисобланади. Шу билан бирга, ҳар бир мажбурият бўйича иқтисодий фойданинг камайиши эҳтимолдан йирик бўлмаса-да, мажбуриятларнинг бутун мажмуини бажариш натижасида иқтисодий фойда камайиши эҳтимоли катта бўлади.


Баҳоланадиган мажбурият миқдори хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг мавжуд фактлари, шунга ўхшаш мажбуриятларни бажариш тажрибаси, шунингдек, агар, лозим бўлса, экспертларнинг фикрлари асосида белгиланади. Хўжалик юритувчи субъект бундай баҳолашнинг асослилигини тасдиқловчи ҳужжатли далилларни тақдим этади.

Баҳоланадиган мажбурият миқдорини аниқлашда хўжалик юритувчи субъект қуйидагиларга асосланади:

а) агар, баҳоланадиган мажбурият миқдори қийматлар тўпламидан танлаш йўли билан аниқланса, ўртача қиймат ҳар бир маҳсулотнинг ўртача тортилган миқдори бўйича қабул қилинади;

б) агар, баҳоланадиган мажбуриятнинг қиймати интервал оралиғидан ва ҳар бир қийматнинг тенг катталиқдаги эҳтимолликдан танлаш йўли билан аниқланса, у ҳолда интервалнинг энг катта ва энг кичик қийматларининг ўртача арифметик қиймати олинади.

Баҳоланадиган мажбуриятларнинг қуйидаги турлари мавжуд (3-расм).



**3-расм. Баҳоланадиган мажбурият турлари<sup>9</sup>**

37-сонли БҲХСда дисконтланган қиймат ва баҳоланадиган мажбуриятлардаги ўзгаришлар бўйича бир қанча ҳолатлар берилган. Таъкидлаш жоизки, пулнинг вақтинчалик қиймати ва баҳоланадиган мажбуриятлардаги турли хил рисклар ва ноаниқликлар натижасида баҳоланадиган мажбурияти миқдори ўзгариши мумкин.

Баҳоланадиган мажбуриятлар ҳар ҳисобот даври охирида қайта кўриб чиқилади ва уларнинг ҳаққоний баҳосини акс эттириш учун тузатиш киритилади. Хусусан, қонунчиликдаги ўзгариш, дисконтлаш ставкасидаги

<sup>9</sup> Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Ўзгариш, технологиялардаги ўзгаришларни кўриб чиқиш лозим. Булар баҳоланадиган мажбуриятнинг ўзгаришига олиб келувчи омиллар ҳисобланади. Демак, қайта кўриб чиқиш жараёнида кутилаётган пул оқимлари ва жорий дисконтлаш ставкасини инобатга олиш зарур бўлади.

Дисконтлаш қўлланилганда, баҳоланадиган мажбуриятнинг баланс қиймати вақт ўтишини акс эттириш мақсадида ҳар бир даврда ўсиб боради. Бу ўсиш қарзлар бўйича сарфлар сифатида тан олинади. Баҳоланадиган мажбуриятни ҳар йили дисконтлаш ставкаси бўйича ошириб борамиз.

Бизнинг фикримизча, бухгалтерия ҳисобида баҳоланадиган мажбуриятлар бўйича қуйидаги счётларда акс эттирилиши лозим:

Баҳоланадиган мажбуриятни тан олиш:

Дебет Харажатлар ёки активларни назарда тутувчи счётлар

Кредит Баҳоланадиган мажбурият

Дисконт амортизацияси:

Дебет Фоиз харажати

Кредит Баҳоланадиган мажбурият

Биз мажбуриятни дастлабки баҳолаган пайтимизда баҳоланадиган мажбуриятнинг жорий қиймати пайдо бўлган эди. Эндиликда ҳар йили ушбу жорий қийматни дисконтлаш ставкаси орқали қийматини ошириб борамиз ва бухгалтерия ҳисобида юқоридаги каби ўтказмани бериб борамиз.

Баҳоланадиган мажбуриятдан фойдаланиш:

Дебет Баҳоланадиган мажбурият

Кредит Пул маблағлари ва ҳ.к

Баҳоланадиган мажбурият қайси мақсадда ҳосил қилинган бўлса, ундан айнан ўша мақсадда фойдаланиш керак. Бошқа мақсадда фойдаланиш икки турли хил ҳодисаларни бир-бири орқали яширишга олиб келади ва молиявий ҳисоботни ишончлилигини пасайтиради.

Баҳоланадиган мажбуриятнинг қоплаб берилиши:

Дебет Қопланадиган актив

Кредит Харажатларни ҳисобга олувчи счётлар


Юқоридаги счётларда акс эттирилишига кўра, бухгалтерия ҳисобининг ишчи счётлар режасига 6640 – «Суд даъволари бўйича резерв», 6650 – «Амал қилиниши тўхтатилаётган шартномалар бўйича резерв», 6660 - «Объектларни фойдаланишдан чиқариш бўйича резерв» янги счётларнинг киритилиши мақсадга мувофиқдир. Ушбу янги счётлар акциядорлик жамиятларининг ҳақиқий молиявий ҳолатини аниқлашга ҳамда харажатларни тўғри тақсимлашга хизмат қилади. Баҳоланадиган мажбуриятлар юқорида таъкидланганидек, фақатгина мавжуд жавобгарлик асосида аниқланади. Яъни, агар хўжалик юритувчи субъект 31-декабрь санаси ҳолатида тугатилади ёки ёпилади, деб тахмин қилсак, унда мазкур мажбурият юзага келиши керак. Лекин, келгуси операцион зарарлар 31-декабрдаги ҳолатига боғлиқ бўлмайди. Шу сабабли бундай келгуси операцион зарарлар баҳоланадиган мажбурият бўлиб ҳисобланмайди.

Шартли мажбурият эҳтимолий мажбурият бўлиб, ўтган воқеа-ҳодисалар натижасида вужудга келади ҳамда хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисобот санасида мажбуриятнинг мавжудлиги бир ёки бир нечта келгусида ноаниқ



ходисаларнинг юзага келиши билан бевосита боғлиқ бўлади. Шартли мажбуриятнинг ҳали мавжуд бўлмаган, лекин келгусида юз бериши мумкин деб эътироф этилиши бухгалтерия мақсадлари учун дебитор ва кредиторлик қарздорлик сифатидаги мажбуриятларнинг тан олиш мезонларига жавоб бермайди.

Мажбуриятлар аудитини ўтказиш учун, молиявий ҳисоботда келтирилган маълумотларни жорий ва узоқ муддатли мажбуриятлар нуқтаи назаридан, аудиторлик далиллари мантқан ва барча аудиторлик амалларини тўлиқ акс эттирадиган тарзда ажратиш мақсадга мувофиқдир. Маълумотларни ажратиб олиш босқичларида маълумотларни гуруҳлаш унинг нотўғри талқин қилиниш рискини баҳолаш ва зарурий аудит амалларини аниқлаш имкониятини беради. Шунингдек, мажбуриятлар аудитида ташқи тасдиқлаш амаллари муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади (4-расм).



**4-расм. Мажбуриятлар аудитида ташқи тасдиқлаш амалини қўллаш алгоритми<sup>10</sup>**

Мажбуриятлар аудитини самарали режалаштириш қуйидаги муаммоларни ҳал қилишга имкон беради:

- бизнес муҳити ва бухгалтерия ҳисоби тизими билан танишиш;
- бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизими билан боғлиқ рискни баҳолаш;

<sup>10</sup> Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

аудиторлик rischi даражасини ҳисобга олган ҳолда аудит дастурини тузиш;

аудитни юқори профессионал даражада ва мақбул муддатда бажариш учун мувофиқлаштириш;

аудит учун зарур бўлган вақт ва ресурс учун шартнома суммасини белгилаш;

аудитнинг зарур моддий-техник жиҳатдан таъминланишини ҳисобга олиш.

Мажбуриятлар аудитида баҳоланадиган мажбуриятлар тўғри юритилаётганлиги ҳамда ҳисобда тўғри акс эттирилаётганлигини текшириш муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли баҳоланадиган мажбуриятлар аудитини ўтказишда, энг аввало, аудиторлик текширувини ўтказишда фойдаланиладиган бухгалтерия ҳисобининг дастлабки ҳужжатларини билиб олишимиз зарур. (2-жадвал)

**2-жадвал.**

**Баҳоланадиган мажбуриятлар аудитида фойдаланиладиган бухгалтерия ҳисобининг дастлабки ҳужжатлари<sup>11</sup>**

Хўжалик операцияси номи	Ҳужжат номи	Ҳужжатнинг тавсифи
1. Баҳоланадиган мажбуриятларнинг дастлабки тан олинishi (дастлабки ўлчов)	Баҳоланадиган мажбуриятларнинг қиймати тўғрисида бухгалтерия маълумотномаси	
	Кафолатли таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш учун баҳоланадиган мажбуриятларнинг қийматини ҳисоб-китоби	- ХЮСнинг номи; - ҳужжатнинг номи; - ҳужжатнинг тайёрланган санаси ва рақами; - захира миқдорини ҳисоблаш; - бухгалтерия ҳисоби; - масъул шахсларнинг имзоси; - масъул шахсларнинг имзо чекиш саналари.
	Меҳнат таътили учун тўловини тўлаш бўйича баҳоланадиган мажбурият қиймати тўғрисида бухгалтерия маълумотномаси	- ХЮСнинг номи; - ҳужжатнинг номи; - ҳужжатнинг тайёрланган санаси ва рақами; - захира миқдорини ҳисоблаш; - бухгалтерия ҳисоби; - масъул шахсларнинг имзоси; - масъул шахсларнинг имзо чекиш саналари.
2. Баҳоланадиган мажбуриятлардан фойдаланиш	Йиллик мукофот пуллари бўйича тўловларни баҳоланадиган мажбурият қиймати тўғрисида бухгалтерия маълумотномаси	- ХЮСнинг номи; - ҳужжатнинг номи; - ҳужжатнинг тайёрланган санаси ва рақами; - захира миқдорини ҳисоблаш; - бухгалтерия ҳисоби; - масъул шахсларнинг имзоси; - масъул шахсларнинг имзо чекиш саналари.
	Мажбуриятларни тан олиш ва тугатиш тўғрисидаги дастлабки ҳужжатлар	-ХЮСнинг номи; -ҳужжатнинг номи; -ҳужжатнинг тайёрланган санаси ва рақами; -сарфланадиган активнинг тавсифи (сони, миқдори ва бошқалар); -бухгалтерия ўтказмалари; -масъул шахсларнинг имзоси; -масъул шахсларнинг имзо чекиш саналари.

Ушбу бошланғич ҳужжатлар аудиторлик текширувида аудитор ишининг сифати ҳамда вақт сарфларининг камайишига олиб келади. Шунингдек, баҳоланадиган мажбуриятларни аудиторлик текширувидан ўтказишда аниқ ва ишончли маълумотларни олиш имконини беради.

Юқорида таъкидлаганимиздек, аудиторлик текшируви давомида аудитор «Таҳлилий амаллар» номли 520-сонли аудитнинг халқаро стандартига мувофиқ, текширилаётган субъектнинг самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиши

<sup>11</sup> Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

лозим. Ушбу таҳлилий амаллар ва таҳлилий кўрсаткичлар аудиторлик хулосасининг янада аниқроқ ва ишончлироқ бўлишини таъминлайди.

Ушбу кўрсаткичлар текширилаётган хўжалик юритувчи субъект мажбуриятларининг бартараф этилаётганлигини ва уларнинг тез сўндирилишини, шунингдек, хўжалик юритувчи субъект қарзларининг ўртача миқдорини ифодалайди.

Биз илмий тадқиқот ишимизнинг объекти сифатида олган акциядорлик жамиятларининг ҳам айнан мажбуриятларнинг аудиторлик текширувида таҳлилий амаллардан қандай тартибда фойдаланиш лозимлиги тўғрисида амалий тавсиялар бердик. Хусусан, «Жиззахдонмахсулот» акциядорлик жамиятининг бухгалтерия баланси маълумотларига эътибор қаратсак, 2021 йил 1 январ ҳолатига жами мажбуриятлар баланс жамига нисбатан 81,9 фоизни ташкил қилганини кўришимиз мумкин (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### «Жиззахдонмахсулот» акциядорлик жамиятининг бухгалтерия балансини пасив моддаларининг таҳлили<sup>12</sup>

Мол-мулкни ташкил топиш манбаининг таркиби	2017 йил 1 январ ҳолатига		2018 йил 1 январ ҳолатига		2019 йил 1 январ ҳолатига		2020 йил 1 январ ҳолатига		2021 йил 1 январ ҳолатига		Ўзгариши 2021 йилда 2017 йилга нисбатан (+,-)		
	Сумма, минг сўм	Салмоғи, %	Сумма, минг сўм	Салмоғи, %	Сумма, минг сўм	Салмоғи, %	Сумма, минг сўм	Салмоғи, %	Сумма, минг сўм	Салмоғи, %	Суммадаги, минг сўм	Салмоқдаги, %	Йил бошига нисбатан ўсиши, %
1. Ўз маблағларининг манбалари	8723108	4,8	2469833	1,6	8598345	5,4	18373928	9,4	39315149	18,1	30592041	13,3	450,7
2. Мажбуриятлар Шу жумладан:	174108871	95,2	154020773	98,4	149506026	94,6	177968412	90,6	177409566	81,9	3300695	-13,3	101,9
а) узок муддатли мажбуриятлар	0	0	1151811	0,7	1180454	0,7	5086048	2,6	1188736	0,5	1188736	0,5	100
б) жорий мажбуриятлар	174108871	95,2	152868962	97,7	148325572	93,8	172882364	88,1	176220830	81,3	2111959	-13,9	101,2
Баланс пасивининг ЖАМИ:	182831979	100	156490606	100	158104371	100	196342340	100	216724715	100	33892736	-	118,5

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, «Жиззахдонмахсулот» акциядорлик жамияти учун бу ҳолат салбий ҳисобланади, чунки, унинг ўз маблағлари манбаси атиги 18,1 фоизни ташкил этган.

Бу эса акциядорлик жамиятининг тўлов қобилиятини ўрганиб чиқиш, айниқса кредиторлик қарзлари бўйича таҳлилий амалларни бажаришни тақозо этади. Шунингдек, кредиторлик қарзларининг айланишини ҳам таҳлил қилиш

<sup>12</sup> «Ўздонмахсулот» АК бухгалтерия баланси маълумотлари асосида тайёрланди.

лозим. Бунинг учун биз омилли таҳлил усулларидадан фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Омиллар таҳлилида кредиторлик қарзлари айланишига баҳо берилади (4-жадвал).

#### 4-жадвал

### "Жиззахдонмаҳсулотлари" АЖларда кредиторлик қарзлари айланиши таҳлили<sup>13</sup>

№	Кўрсаткичлар	2020 йил 1 январ ҳолатига	2021 йил 1 январ ҳолатига	Фарқи
1.	Жами кредиторлик мажбуриятлари, минг сўм	10305361	10992498	687137
2.	Сотилган маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг ишлаб чиқариш таннархи, минг сўм	65186637	57963533	-7223104
3.	Жами мажбуриятлар, минг сўм	177968412	177409566	-558846
4.	Кредиторлик қарзларининг айланиш коэффиценти (2/1)	6,32	5,27	-1,05
5.	Кредиторлик қарзларининг айланиш даври, кун ҳисобида (1*360/2)	56,91	68,27	11,36
6.	Мажбуриятлар таркибида кредиторлик қарзлари улуши, % да	5,79	6,19	0,4

Жадвал маълумотларига кўра, фақатгина "Жиззахдонмаҳсулотлари" АЖда кредиторлик қарзларининг айланиш коэффиценти камайганлигини кўришимиз мумкин (-1,05). Аммо, таҳлил қилинаётган акциядорлик жамиятининг кредиторлик қарзларининг айланиш куни узайган. Бунинг сабаби сифатида кредиторлик қарзлари айланиш коэффиценти пасайишига сотилган маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархинининг камайиши алоҳида ўрин тутганлигини таъкидлаш лозим. Айнан ушбу омил ҳисобига мазкур акциядорлик жамиятида кредиторлик қарзларининг айланиш коэффиценти камайган.

Тадқиқот ишининг «**Мажбуриятлар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш йўллари**» деб номланган учинчи бобида мажбуриятларнинг бухгалтерия ҳисоби ахборот таъминоти муаммолари, халқаро стандартлар асосида мажбуриятларнинг ўзгариши ва тугатилиши ҳолатларини бухгалтерия ҳисобида акс эттиришни такомиллаштириш, мажбуриятлар аудитининг ташкилий асосларини такомиллаштиришга оид илмий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Мамлакатимизда фаолият юритувчи субъектларнинг ташқи бозорга чиқиши ва уларнинг инвестицион жозибдорлигини ошириш мақсадида улар томонидан тузиладиган ҳисоботларни халқаро стандартлар талаблари асосида бўлиши талаб этилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сонли «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорида «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш»<sup>14</sup>

<sup>13</sup>«Жиззахдонмаҳсулотлари» АЖ бухгалтерия баланси маълумотлари асосида тайёрланди.

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сонли «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

вазифасининг белгиланиши хўжалик юритувчи субъектлар томонидан молиявий ҳисоботларни тузиш жараёнида мажбуриятларни халқаро стандартлар асосида тан олиш, баҳолаш ва ҳисобини юритишни тақозо этади.

Хўжалик юритувчи субъектлар бошқарувини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири бу бухгалтерия тизимида шакллантирилган мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китобларнинг ҳолати тўғрисида зарур маълумотларни батафсил ҳисобга олишни ташкил этиш ва қарор қабул қилиш мақсадида уни манфаатдор томонларга тақдим этиш ҳисобланади. Шу билан бирга, мол етказиб берувчилар билан ҳисоб-китобларнинг ҳисобини такомиллаштиришнинг муҳим шарти бухгалтерия ҳисобининг умумий қоидаларини ташкил этувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган қоидалар ва нормаларга риоя қилиш эканлигини унутмаслик керак. Мол етказиб берувчи ва пудратчилар билан ҳисоб-китобларни юритиш бухгалтерия ишининг энг муҳим қисмидир.

Хўжалик операциялари ўз вақтида ва тўғри расмийлаштирилган ҳужжатлар асосида акс эттирилиши керак. Кейинчалик қайд журналига топшириш учун мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва гуруҳлаш реестрларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Юқоридаги таклифлар товарлар, ишлар, хизматлар учун кредиторлик қарзларини ҳисобга олиш ва назорат қилиш методологиясини такомиллаштиришга ва тўлов интизомини яхшилашга ёрдам беради. Замонавий шароитда ҳисоб-китоб операцияларининг пухта ташкил этилган ҳисоби, шунингдек ўз вақтида пул оқими хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий натижаларига сезиларли таъсир кўрсатади.

Шундай қилиб, бухгалтерия қонунчилиги хўжалик юритувчи субъект актив ёки пассив иштирокчи тарзида чиқадиган барча мажбуриятлардан фақатгина пул маблағларининг муайян суммасини тўлаш, бошқа мулкни бериш ёки иш, хизматларни бажариш каби шартсиз мажбуриятларини бухгалтерия ҳисобининг объектлари сифатида ажратади. Бухгалтерия ҳисобида кўрсатиладиган номолиявий мажбуриятларга битим бўйича мажбуриятлар ва контрагентлар томонидан аванс тўловлар (олдиндан тўлаш) ўтказилиши натижасида пайдо бўладиган мажбуриятларни киритиш лозим.

Мажбуриятлар аудити бўйича аудитор текширув вақтида қуйидаги таҳлилий амалларни қўллаши мақсадга мувофиқдир (5-жадвал).

#### 5-жадвал

#### Мажбуриятлар аудитини ўтказишда таҳлилий амаллар рўйхати<sup>15</sup>

№	Таҳлилий амаллар номи	Аудиторлик текширувидаги таҳлилий амаллар тавсифи
